



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2015 йил 7 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини «Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида даромад ва мол-мулк солиқлари юзасидан икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида 1999 йил 7 сентябрдаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Берлин, 2014 йил 14 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Баённомада амалдаги Битимга солиқ соҳасида ах-

амалга оширилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2013 йилдаги фаолияти тўғри-



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

борот алмашиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш бўйича икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган тузатишлар киритилиши назарда тутилганлиги таъкидланди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Баённоманинг қабул қилиниши икки мамлакат ўртасида солиққа доир ахборот алмашиш жараёнини тезлаштиришга, солиқлар тўлашдаги турли суиистеъмолликларга қарши курашишга, шунингдек, резидентлар томонидан тўланмаган солиқларнинг томонлар бюджетларига ўз вақтида келиб тушишига қўмаклашди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар. Таъкидландики, ўтган йилда Марказий банкнинг фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ


сидаги ҳисоботи ҳақида»ги қарориди белгиланган вазифаларни сўзсиз бажаришга қаратилди.

Ҳисоботни эшитиш чоғида қайд этилганидек, ҳисобот йилида банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 23,8 фоизни ташкил этди, бу эса банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан белгиланган норматив талаблардан 3 баравар ортиқдир. Банк тизими барқарорлигини баҳолаш омилиларидан бири ҳисобланган жорий ликвидлик даражаси бир неча йил давомида 64,62 фоиздан ортиқ бўлмоқда, бу эса халқаро қўламда белгиланган энг кам даражадан 2 баравар юқоридир. Ҳисобот йилида банк активлари 28,2 фоизга ошди ва 56,2 триллион сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятининг самардорлигини янада ошириш юзасидан тақлиф ва тавсияларни билдирдилар.

▶ Давоми 2-бетда.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ



ЭЗГУ НИЯТ

Дехқонobodга йўлга тушишдан олдин вилоят «Нуроний» жамғармаси кенгаши раиси, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Январ ака Иноятовга учрашдим. Чунки у киши Дехқонobodни яхши билади.

ТИЛСИМ ТОҒ ХАЗИНАЛАРИ

Дехқонobod калийли ўғитлар заводи 5 ёшда

— Бугунги юсак тараққиёт, эришилаётган ҳар бир ютуқнинг асоси бор. Ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, — деди у. — Халқимиз кўп оғир ва мушкул кунларни бошдан кечирди. Эсимда, вилоятда ишлаётган кезларида Ислам Абдуганиевич Дехқонobodга кўп келиб, аҳволимиздан хабар олардилар. Мен туман раҳбари эдим. Бир гал четдан меҳмон олиб келдилар. «Бу тоғларни гўё инсон бунёд этгандай туюлади. Бироқ одам кўли тегмаган. Вақти келадики, ана шу тоғлар бағридаги хазиналар халқимизга хизмат қилади», дегандилар ўшанда. Қаранг, бу қутлуг ният рўёбга чиқди. Уни шу гапларни айтган инсоннинг ўзи амалга оширди...

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Назорат-таҳлил фаолияти

қонун ижодкорлигида, парламент назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади

■ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг жорий йил 23 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш масаласига эътибор қаратиб, парламентнинг икки палатаси яхлит тизим, мамлакатимизнинг ягона қонунчилик органи эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Агар кенгроқ муҳофада қилиб кўрилса, бу фикрларнинг асоси, мазмун-моҳияти чуқур экани маълум бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси нафақат қонун чиқариш ваколатига эга, шу билан бирга, ривожланган давлатлар парламентлари каби назорат қилиш ҳамда вакиллик функциясини ҳам бажаради.

Шу ўринда миллий парламентимиз томонидан қонулар ижросини назорат қилиш, уларни ҳаёт талаблари даражасида такомиллаштириб боришда палаталарнинг қўмиталари томонидан амалга оширилаётган назорат-таҳлил фаолияти ва унинг аҳамиятига тўхталсак.

Таъкидлаш жоиз, ўтган йиллар давомида парламент қўмиталари бу йўналишда муайян ишларни амалга оширди. Бироқ давлатимиз раҳбарининг палаталар фаолиятига парламент назоратининг замонавий усулларини татбиқ қилиш, жумладан, давлат бюджетини шакллантириш ва мамлакатимизнинг ушбу муҳим иқтисодий ҳужжати ижросини назорат қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш муҳим вазифалардан бири эканлиги ҳақидаги фикрлари палаталар қўмиталарининг олдида ҳам мазкур соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш вазифасини қўяди.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номи китоби «Ўзбекистон» нашриёти томонидан кўпмиз нусхада чоп этилди.

Маълумки, 2015 йил 29 март куни юртимизда улкан сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлов бўлиб ўтди. Ҳар томонлама юқори савияда, муқобиллик асосида ўтган бу сайлов мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида муҳим, ҳал қилувчи босқич бўлиб, халқимизнинг ўз кучи ва салоҳиятига бўлган ишончи нақадар мустаҳкам экани, унинг сиёсий-ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги, Ватанимиз тақдири учун дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

Конституциямиз, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, демократик тамойиллар асосида ўтказилган ушбу сайловда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Президентликка номзод Ислам Абдуганиевич Каримовга овоз берди. Бундай ёрқин ғалаба, ҳеч шубҳасиз, Ислам Каримовнинг давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги стратегик мақсад ва вазифаларни ҳал этиш йўлидаги бекиёс хизматлари, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг халқимиз томонидан юсак эътироф этилгани ва яқдиллик билан қўллаб-қувватланганидан далолат беради.

Ушбу китобдан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнларидаги 20 дан зиёд учрашув ва анжуманларда, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари билан учрашувларда, иккала палатанинг қўшма мажлисида, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йилги мажлисида, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VII съездида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан учрашувларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришги тантанали маросимидаги нутқ ва маърузаларида, шунингдек, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга эга ғоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎзХДП ногиронлар меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналарни ташкил этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, жумладан, ушбу мақсадда давлатнинг марказлашган сармоялари ҳисобидан бундай корхоналар тармоғини ривожлантириш тарафдори.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан.

ОАВ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

■ «Баркамол авлодни тарбиялашда амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг роли ва вазифалари». Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган илмий-амалий семинар ана шу мавзуга бағишланди.

Семинарда юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Тadbirkor Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди. Жумладан, 2014 йилда жамғарма маблаг-

лари ҳисобидан 18 намунавий спорт объекти ва 73 мактабнинг спорт зали бунёд этилган.

Ўтган йили спортчиларимиз қўлга киритган 849 та медалнинг 266 таси олтин экани алоҳида эътироф этилди. Бу ютуқларнинг аҳамиятини очиб бериш ОАВ ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Журналистларга мавзу юзасидан қатор тавсиялар берилди.

Зилола Анвар қизи

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА ДУНЁ ҲАВАС ҚИЛМОҚДА



■ МУРОЖААТЛАРНИНГ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛИШИ СИЁСИЙ ПАРТИЯ НУФУЗИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

Давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилган ана шу чиқишларда мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнини янги босқичга кўтариш, унинг иқтисодий қудратини ошириш, ижтимоий соҳалар — таълим-тарбия, илму фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизимини изчил ривожлантириш, аёллар, кексалар ва ёшларимиз учун янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳар бир ҳудуд ва минтақани раванқ топтиришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршилиқларнинг моҳияти, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинган.

Мазкур тўпламнинг бош ғоясини қуйидаги сўзларда мужассам бўлган энг муҳим ўзак фикр ташкил этади: «Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?» деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур етказамиз. Айни вақтда «Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим».

Ана шундай ёндашув асосида мамлакатимизнинг мураккаб йилларида босиб ўтган тарихий йўли теран таҳлил қилиниб, бу ҳаётини саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоблар берилгани нашрнинг қимматини янада оширади.

Ушбу китобни мутолаа қилар эканмиз, ҳар бир масалага ҳалқимизнинг миллий манфаати ва яна бир бор миллий манфаат нуктаи назарида ёндашиш, теран киёсий-таҳлилий мушоҳада, тарих, замон ва келажакни бир бутун диалектик ҳодиса сифатида кўриш, ҳар қандай мавзуда жўшқин баҳс ва мулоқотга тайёрлик — буларнинг барчаси мустақил ўзбек давлатининг асосчиси, дунё микросида тан олинган йирик давлат ва сиёсат арбоби Исроҳим Каримовнинг сиёсий услубига ҳос бўлган ёрқин хусусиятлар эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда кечиб ўтган аҳамият касб этадиган мазкур китоб ҳозирги ва эртанги кунимизнинг энг устувор йўналишларини ўзида мужассам этиб, янги ва яқин тарихимизнинг ҳали беш тўла англаб етмаган кўп қирраларини кашф этишда, жамиятимизнинг тараққиёт фалсафасини, мамлакатимиз ва ҳалқимиз келажак, унинг раванқини белгилаб беришда, айниқса, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

ЎЗА

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ҚОНУН ВА ШАРҲ

АҲОЛИ БАНДЛИгини ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Мирзахмат ШОЙМОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП
фаоли:

— Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун маъқулланди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда кичик бизнес кафедаларини янада мустаҳкамлашда, аҳолининг бандлик даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади, уни тасарруф этади.

Истиқлол йилларида юртимизда хусусий мулк дахлсизлиги муҳофазасига оид пухта таъминлиқ-ҳуқуқий механизмлар яратилди, хусусий мулк ролини ошириш ҳамда унинг ҳимояси, иш-

билармонлик муҳити ва бизнес юришти шароитларини янада яхшилашга қаратилган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тақомиллаштирилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг иқтисодий ва интеллектуал қобилиятини рўйбга чиқариш воситаси ҳамдир. Мазкур соҳа ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини намоён этиш учун замин яратмоқда. Бу ташаббускор, омилиқ, мустақил фаолият юртимизда, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга қодир инсонлар тоифасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрта синфни шакллантириш учун мунтазам кенгайиб бораётган база бўлиб хизмат қилмоқда. Ўрта синф эса маълумки, ҳар қандай демократик жамиятнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Шу ўринда бир рақамни айтиб ўтиш керак. Бундан 25 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди. Бу-

гун эса мавжуд барча ҳўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 23-24 фоизи ва кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Хусусан, Сирдарё вилоятида ҳам кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 65 фоиздан ортқичи ташкил қилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун давлат бошқарувининг турли даражаларида, фуқаролик жамияти институтларида амалиётчилар ҳамда олимларни жалб этган ҳолда кенг ва амалий муҳокама қилинди. Шу нарса алоҳида қайд этилдики, Қонундаги меъёр ва қоидалар нафақат ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, балки мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, иқтисодий таъминоти диверсификация қилиш, рақобатдор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш орқали экспорт имкониятларини кенгайтиришга замин яратди. **Энг муҳими, қонун аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оши-**



ЎЗА олган суратлар.

ришда муҳим аҳамият касб этади.

Қонунга асосан, масалан, Солиқ кодексига тегишли ўзгариш ва қўшимча киритилмоқда. Унга қўра, яқна тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи микдоридида суғурта бадали ва яқна тартибдаги иш бевурич тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи микдоридида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқини амалга ошириш назарда тутилмоқда. Бу тартиб яқна тартибдаги

тадбиркорлар фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш имкониятини яратибгина қолмасдан, уларга янги ҳодимларни ёллаш ҳуқуқини беради. **Бу эса аҳолини, айниқса, коллеж битирувчиларини ўзи эгаллаган иқтисодлиги бўйича иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий таъминоти яхшилашда муҳим роль ўйнайди.**

Ўйлаيمانки, қонунда белгиланган меъёрида ҳаётга изчил жорий этилишда ҳар бир сенатор фаоллик кўрсатиши, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб бориши керак бўлади. Зотан, ҳар қандай қонун ижроси билан қучлидир.

Олий Мажлис Сенати социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштиришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қўмаклашадиган қонунларни маъқуллади.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Назорат-таҳлил фаолияти

қонун ижодкорлигида, парламент
назоратини кучайтиришда муҳим
аҳамият касб этади

Муболағасиз айтиш мумкин, қонунлар ижросини назорат қилиш ва уларнинг самарадорлигини ўрганишда қўмиталарнинг назорат-таҳлил фаолияти муҳим ўрин тутаяди.

Албатта, табиий савол туғилади. Ҳўш, Қўмиталар томонидан олиб бориладиган назорат-таҳлил фаолиятининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Булар — қабул қилинган қонунлар ижросини ўрганиш, қонунларнинг амалиётда қўлланилишига таъсир этувчи муайян омилларни аниқлаш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан

си ўрганилган қонуннинг амалиётда қўлланилишида қандай муаммолар мавжудлиги, хато ва камчиликлар, йўл қўйилган қонунбузарликлар ҳақида фикр юритиш билан чегараланмасдан, аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш ва ижро механизмининг такомиллаштиришга оид аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши долзарб масаладир. Шунингдек, қўмита томонидан ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти якунида қабул қилинган қарор ижроси билан боғлиқ масалани албатта, қўмитанинг яна бир мажлисида муҳокама қилиш

Мамлакатимиз қонун чиқарувчи ҳокимиятининг тўғридан-тўғри ваколати ҳисобланган парламент назоратини амалга оширишда унинг қўмиталари томонидан олиб бориладиган назорат-таҳлил фаолияти алоҳида ўринга эга.

тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш, назорат-таҳлил натижаларига асосан амалдаги қонунларни янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар, яъни қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Шу ўринда парламент назорати институтининг ҳалқроқ таърибасига ҳам қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Умуман, жаҳон парламентлари амалиётда назорат вазифаси турлича намоён бўлади ва у давлат тизимининг ўзига хослигини акс эттиради. Парламент назорати ҳукуматнинг бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларида, жорий масалалар бўйича ахборотларда, парламент муҳокамаларида, депутатлар сўровлари ва бошқа воситалар орқали намоён бўлади.

Мамлакатимиз қонун чиқарувчи ҳокимиятининг тўғридан-тўғри ваколати ҳисобланган парламент назоратини амалга оширишда унинг қўмиталари томонидан олиб бориладиган назорат-таҳлил фаолияти алоҳида ўринга эга.

Фикримизча, Олий Мажлис палаталари қўмиталарининг назорат-таҳлил фаолиятида ўзаро ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш учун айрим масалаларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни, палаталар қўмиталари ҳисобот йили учун қонунлар ижросини назорат-таҳлил фаолияти асосида ўрганишни режалаштираётганда, энг аввало, қонунларнинг ижросига оид муаммолар мавжудлиги фактидан келиб чиқиши керак, деб ўйлаймиз.

Бунинг учун тегишли вазирлик ва идоралар билан мунтазам равишда ахборот алмашиб туриш, шу орқали қонунларнинг қўлланиши амалиёти ва ижросига оид масалалар ҳақида маълумотларга эга бўлиш тақозо этилади. Қонунлар ижроси бир неча ҳудудда ёхуд тармоқлар мисолида ўрганилса, қўмиталарнинг назорат-таҳлил фаолияти самарадорлиги янада ошади.

Қўмиталар томонидан олиб бориладиган назорат-таҳлил фаолияти якунига бағишланган мажлисда ижро-

амалиётнинг жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қўмиталарнинг назорат-таҳлил фаолияти якунига доир қарорларидида фақат тавсиялар эмас, балки қўқор асосланган қонун ижросини сўзсиз таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар, кўрсатмалар бўлиши долзарб аҳамиятга эга. Энг муҳими, ижроси ўрганилган қонунни такомиллаштириш, замон талабларига мувофиқлаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, зарур бўлганда амалдаги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутадиган янги қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, муайян қонун ижроси билан боғлиқ назорат-таҳлил натижаларидан қонун ижодкорлиги жараёнида кенг фойдаланиш мақсадида таҳлилий умумлашма, тарқатма материаллар ва рисоалар тайёрлашни йўлга қўйиш фойдадан холи бўлмайди. Қонунларнинг ижросини ўрганиш юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил натижаларига асосан мутасадди вазирлик, давлат қўмиталари ёки алоҳида мансабдор шахсга парламент сўрови юбориш ҳам яхши самара бериши мумкин. Агар палаталар қўмиталарининг ўзаро келишувига мувофиқ, ҳисобот йилида муайян қонун ижросини ўрганиш зарур, деб топилса, уни қонда тарикасида икки алоҳида ҳудудда ёки тармоқда ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўрганиш ақунларига бағишланган қўмиталарнинг мажлислари биргаликда ўтказилса, бу самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Қўмиталар томонидан олиб бориладиган назорат-таҳлил фаолияти ақунлари оммавий ахборот воситаларида маълумот сифатида эмас, балки илмий-назарий, таҳлилий ва амалиёт билан узвий боғлиқ тарзда кенг ёритилса, парламент назорати институтига оид махсус эшиттириш, кўрсатувлар, рухналар ташкил этилса, бизнингча, булар ҳам парламентнинг ҳаётимиздаги аҳамияти ва таъсир кучини оширишга янада кенг шароит яратаяди.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
юрдик фанлар
номзоди.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

■ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШИДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ НИҲОЯТДА МУҲИМ. АЙНАН УЛАР АҲОЛИНИ ТАШВИШЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИГА ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎМАК БЕРАДИГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАРДАН БИРИДИР.

■ ҲАР БИР СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ТАЪСИР КУЧИ АЪЗОЛАРИ СИЁСИЙ-ИЖТимоий ФАОЛЛИГИГА БОГЛИҚ. ШУНИНГ УЧУН ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАР ОРҚАЛИ УЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ, ФИКР АЛМАШИШ МУҲИТИНИ ЯРАТИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

ТИЛСИМ ТОҒ ХАЗИНАЛАРИ

Дехқонобод калийли ўғитлар заводи 5 ёшда

АВВАЛ ЙЎЛ

— Мен корхонамиз яқинидаги Откамар қишлоғида туғилиб, ўсдим. Ана шу тоғ ёнбағирлари, адирларда мол боқиб юрардик, — дейди Дехқонобод калийли ўғитлар заводи цех бошлиғи ўринбосари Жуманазар Бердиев. — Қишлоқ қайноналири ўтмишнинг оғир йилларини ҳикоя қилишарди. Кексалар «шу тоғларда хазина бору, тилсимланган», деб ўқтиришарди, тоғ кўзимизга сеҳрли кўринарди. Мен ёшликдан илгари қишлоқдаги миллий университетнинг агрохимия факультетини тугатдим, 2012 йилда заводга ишга келдим. Ҳозир биргина қишлоғимиздан 100 нафардан зиёд йигит-қиз шу корхонада меҳнат қилади. Бу корхона мустақиллигимизнинг медалидан биридир.

Ҳа, дарҳақиқат, ўтган асрда шу тоғларда йирик силвинит минераллари захираси борлиги аниқланган бўлса-да, ҳеч ким катта ишга қўл уришга ботина олмади. Бунга руҳсат олиш, қурилишга маблағ ундириш осон иш эмасди. Мустақиллик берган имконият туфайли тоғ тилсимига калит топилди.

Аввал йўл керак эди. Қутлуғ режалар билан ана шу ишга — 223 километрлик «Тошгузар — Бойсуи — Қумқўрғон» темир йўлини қуришга киришилди. Улкан ва тенги йўқ иншоот 33 ойда ишга туширилди. Қурувчилар денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда, мураккаб тоғ шарафиде матонат билан меҳнат қилишди, 43 та кўприк, 564 сувтўзаткич мослама барпо этилди. Кўприклардан 9 таси денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда бунёд этилганининг

лахим қазилган, рудани ташқарига олиб чиқадиган конвейер тайёр бўлган эди. Ҳар бир лаҳимнинг узунлиги 2,5 километрдан ошади. Бу йилига 700 минг тонна рудани ташқарига қазиб чиқариб олиш имконини беради. Эндиликда россиялик ҳамкорлар 3-ствол, яъни лаҳимни қазиб боришарди. Натижада бу орқали йилига 1 миллион 400 минг тонна рудани қазиб чиқариш имкони яратилади. Ҳозиргача ерости лаҳимларининг узунлиги 120 километрдан ошибди. Энди нуқул тоғ-тошдан иборат қонда шунча узунликдаги ерости лаҳимларини қазिश, техникаларни ўрнатишни тасаввур қилиб кўринг...

Мана, яна ерости қонига тушяпмиз. Кучли «УБА3» машинаси пастликка қараб ҳаракатланади. Лаҳимда ёнма-ён иккита машина юра олади. Баъзи жойларда бурилиш «камар»лари ҳосил қилинган. Қаршидан машина келиб қолса, шу «камар»ларга бурилиб, йўл бўшаши мумкин экан. Девор ёқалаб қалин қопламали кабеллар тортилган, чумки барча техника воситалари электр токи орқали ҳаракатланади. Қазиб чиқарилган рудани конвейерларга ағдараётган ўзқорар вагонлар олдиға яқинлашамиз. Руда лентали конвейер орқали ташқарига узатишмоқда. Ўтган гал лаҳимда намлик, оёқ остида сув халқобларига кўзим тушган эди. Бу гал ерости сизот сувлари тўпланаётган ҳовузларни кўрдим. Ўта кучли насослар ёрдамида сизот сувлари ташқарига чиқариб юборилмоқда. Бу ерости қони хавфсизлигини таъминлайдиган муҳим тадбирлардан бири. Шунинг учун бу ишлар қатъий

қариш илм ва малака талаб қилади. Бурғилари ўта қаттиқ маъдандан ясалган. Фақат тўғридагини эмас, балки икки ён, тепа ва паст қисмдаги рудани ҳам кўпориб бераверади. Режани ортиги билан уйдалаймиз. Шавкат Сафаров, Абдиҳомид Алламуродов каби маҳоратли комбайнчиларимиз бор. Биз шу қонда ишлаётганимиз, юртга нафимиз тегаётганидан фахрланамиз...

Комбайнчи жиммади. Кейин яна гувиллаган овоз чиқади, кўпорилётган руда маҳсулус «новлар» орқали Тоҳир Гойипов бошқарётган, 15 тонна юк кўтарадиган ўзқорар вагонга юкланади. Тоҳирхон ҳам олий маълумотли мутахассис. Кон устаси Улғубек Мавлонов, участка бошлиғи Амир Хўжақулов, унинг ўринбосари Жаҳонгир Йўлдошев ҳам малакали мутахассислардан. Орта қайтамиз. Энди машинамиз юқорига қараб ўрмалай бошлайди. Анча юргач, узокдан ёруғлик кўринади ва ниҳоят ташқарига чиқамиз. Тўйиб-тўйиб тоза ҳаводан нафас оламан. Тепакўтон тоғ-кон мажмуи бошлиғи Илҳом Жумаев билан суҳбатлашамиз. Унинг айтишича, калийли силвинит минераллари дунёда кам учраб экан. Шунинг учун Канада, Германия, Хитой, Испания, АҚШ, Беларусь, Англия, Бразилия, Чили каби 14 давлат сафига Ўзбекистонимиз ҳам қўшилибди. Тепакўтонда қамиди 215 миллион тоннадан ошадиган силвинит захираси бор экан. Захира жиҳатидан дунёда 10-ўриндамиз. Айни пайтда тоғ-кон мажмуида 320 киши меҳнат қилапти. Улардан 200 нафари бевосита руда қазиб чиқаришда иштирок этмоқда.


КАЛИЙЛИ ЎҒИТ ВА АКҚЛИ РОБОТЛАР

Қул оға бошлаганда катта жойни эгаллаган қайта ишлаш корхонасига етиб келдик. Бош дарвозанинг пештоқига «Дехқонобод калийли ўғитлар заводи» унитар корхонаси, деб ёзиб қўйилган. Шу жойгача тоғ-конидан руда юк машиналарида ташиб келтирилмоқда. Масофа — қамиди 42-43 километр.

Эсимда, деб йил бурун, корхона ишга тушиш арафасида келганимизда, кўп иш ниҳоясига етган эди. Электр тизими яратилган, нимстанциялар ўрнатилган, Пачкамар сув омборидан кучли насослар ёрдамида сув чиқариб келинган. Корхонанинг 1-босқичидаги қурилишини Хитой Халқ Республикасидаги ҳамкоримиз — «СИТИК» компанияси олиб борди. Корхонанинг биринчи босқичи йилига 200 минг тонна калийли ўғит ишлаб чиқариш қувватига эга эди.

Президентимизнинг 2011 йил 17 ноябрдаги «Дехқонобод калийли ўғитлар заводидаги ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш 2-босқич инвестицион лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бунёдкорлик ишлари давом эттирилди. Жами 254,3 миллион АҚШ доллариға тенг инвестиция дастури амалга оша бошлади. Бу ишлар Қашқадарё вилоят саноати салоҳиятини ошириш Давлат дастуриға ҳам киритилган эди. «ЗУМК Инженеринг» компанияси эса йирик электр узатиш тармоғи, «Осма йўл» ва тоғ-кон мажмуиға 3-ствол лаҳим қурилишини давом эттирмоқда.

Ҳа, энди корхонанинг қайта ишлаш қуввати йилига 600 минг тонна калийли ўғит тайёрлашға бемалол етади. Заводнинг цехлари, омборлари, бошқа иншоотлари янада кенгайди. Агар тепадан қаралса, қон улкан ари иниға ўхшайди. Туманнинг қир-



адирлари бағри, тоғ-тошға ёндош жойда ҳарорат кўтарилганда, дарахтзор, гулзорлар ҳавони тозалаб, юмшаб турари. Корхонанинг маъмурий-ҳўжалик бўлими мудири Жуманазар Жўраев бу борада тинмай жон куйдирапти. Экилган дарахтлар аллақачон бўй кўрсатиб қолган. Бу ерда ўз ишидан, ҳаётидан рози қўлаб ажойиб кишиларни учратдим. Шулардан бири — корхона ишлаб чиқариш-техник бўлими бошлиғи Баҳодир Бойназаровдир. У малакали муҳандис, ташкилотчи, жонқуяр йигит экан.

Унинг фикрича, калийли ўғит таркибида хлор бўлса-да, тўпқоқчи зарарламайди. Шўр тўпқоқчи ерлар учун ҳам, мелиорация учун ҳам фойдаланилади. Дунёнинг тараққий этган мамлакатларида унга талаб катта. Қузастишлар шунини кўрсатганки, калийли ўғит солинган пахтазорнинг 1 гектариди ҳосилдорлик 7-8 ва галлада 14-15 центнергача ошган.

Биз тайёрлаётган ўғит таркибида 40 фоиздан 60 фоизгача алмаштирувчи калий мавжуд, — дейди у. — Мен ўзим «Беларуськалий» компаниясига ёш мутахассислар, ишчиларни тахриба ўргатиш учун олиб борганман. Ниҳоятда улкан корхона. Умуман, силвинит рудасидан калий ажратишнинг икки — галургия ва флотация усули мавжуд. Галургия усулида руда 100 да рахали ҳароратта этган сувда эритилади. Биз қўлаётган флотация усули бирмунча мураккаб. Бунда сувға керакли аралашмалар қўшилиди ва калий хлор юзаға қўлиб ҳолда ҳосил бўлади. Яхшиси, ўз кўзингиз билан кўринг...

Аввал хомашё омборига келдик. Юк машиналарида ташиб келтирилётган руда шу жойдан тегирмонға узатилапти. Ўта катта қувватли тегирмонда руда 1 миллиметрға майдаланапти. Тегирмон сотига 150-180 тоннагача рудани эзиб бера олар экан. Шу жойдан конвейер орқали элакарға узатишмоқда. Эланган хомашё бункерлардан «қозонлар»ға тушади. Кўпикланган калийли ўғит сузиб олинаркан, совитиларкан, яна филтёр-сиздиргичдан ўтказиларкан. Чикинди алоҳида тўпланиб, юк машиналариға ортиларкан ва тоғ-кон мажмуиға ташиб кетиларкан...

Марказий бошқарув марказида бутун жараёни кузатиб бораётган Абдимўмин Янгибоев ва бошқаларнинг иши билан танишдик. Ундан қадқоқлаш бўлимиға ўтдик. Бу жойда бир дақиқада 50 килолик 12 қолға ўнгит жойланяпти. Тайёр маҳсулотлар омборида Японияда ишлаб чиқарилган роботлар қадқоқланган

Корхона иш бошлаганиға 5 йил тўлди. Шу кунгача 862 минг тоннаға яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жами 608 минг тоннадан ошқ калийли ўғит экспорт қилинди.

қопларни тахляпти. Умуман, бир сменада 600 тоннагача ўғитни қадқоқлаб Ўзбекистонда, Дехқонобод калийли ўғитлар заводида тайёрланган талаб катта. Кузатишлар шунини кўрсатганки, калийли ўғит солинган пахтазорнинг 1 гектариди ҳосилдорлик 7-8 ва галлада 14-15 центнергача ошган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Корхонада ишчи, инженер-техник ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлашға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёруғ ва шинам 170 ўринли ошхонада сифатли таомлар тайёрланмоқда. Тиббиёт маркази замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ишчилар ётоқхонаси, 10 та хўвли-уй қурилган. Кейинги пайтда 210 та намунали уй қурилди. Бокучисини йўқотган 5 оиланинг уй олиши учун иқтисодий кўмак берилди. Бу ерда обод гузарни, уйлари қуриб, қўз қувнайди. Улардан бирида корхона техник назорат бўлими ходими Хурсанд Бердиев оиласи билан истиқомат қилапти. Хонадон газ, электр, сув билан таъминланган. Корхона ён-атрофдаги қишлоқларни ободонлаштириш, мактабларни таъмирлашға ҳам ҳомийлик



қилмоқда. Завод директори Ҳамидулло Шерматов эса ЎзХДПдан Қашқадарё вилоят Кенгаши депутатлиғига сайланган.

— Корхонамиз иши билан танишиб чиқдингизми? — мулоимлик билан сўрайди у. — Мен яқинда Россияға, ҳамкорларимиз ҳузуриға хизмат

сафари билан бориб келдим. Ўзингиз биласиз, тоғ-кон мажмуидан рудани ташиб келтириш қимматга тушаяпти. Ҳамкорларимиз айни пайтда «Осма йўл» барпо этишмоқда. Йўлнинг қуввати сотига 340 тоннани ташкил этади. У йилиға қайта ишлаш цехлари учун зарур бўлган 2,1 миллион тонна рудани ташиб келтиради ва чикиндини яна ортаға ташиб кетиш вазифасини бажаради. Бу орқали харажатлар қарий 3 баравар камайди...

Янги раҳбарнинг сай-харақатлари бежиз кетмапти. Корхона тобора ривожланиб борапти. Унинг маҳсулотлари Хитой, Қозоғистон, Грузия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Арманистон, Ўзбекистон, Малайзия, Озарбайжон каби ўнлаб мамлакатларға экспорт қилинмоқда. Харидорлар қўпайиб борапти.

Корхона иш бошлаганиға 5 йил тўлди. Энди айрим сарҳисобларни тилға олса бўлади. Иш бошлангандан шу кунгача 862 минг тоннаға яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жами 608 минг тоннадан ошқ калийли ўғит экспорт қилинди. Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиғи учун 204 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо ўғит етказиб берилди. Бу йилги олти ойлик режалар ҳам ортинги билан бажарилди. 2016-2018 йилларда янги маҳсулот — йилиға 10 минг тоннагача калий гидрооксиди ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. Бу — маҳсулот хлорсиз ўғит тайёрлаш, фармацевтика соҳасида зарур хомашё. Йилиға 100 минг тонна техник туз ва оқ калий ишлаб чиқариш режалари ҳам тузилган.

— Муҳтарам Президентимизнинг орзулари амалға ошди, Дехқонобод заводи дунёдаги калийли ўғит ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар қаторидан муносиб ўрин олди.

Дунё

Сунъий йўлдошлар флоти

узлуксиз энергия билан таъминлайди

Айни замонда энергияға бўлган эҳтиёжнинг ортиши дунё бўйича кузатилаётган жараён. Шу боис бу эҳтиёжни қондиришнинг турли йўллари-ю усуллари ўйлаб топилмоқда ва синоддан ўтказилмоқда. Шундай усуллардан бири космик нулрларни йиғиш масаласидир.



Олимларнинг айтишича, келажакда космик нулрлар сайёрамиз аҳолиси учун битмас-туганмас энергия манбаи бўлиб қолади. Бундай дейишимизға сабаб, фазовий маҳсулус сунъий йўлдош космик нулрларни йиғиб, микроўлқин ва лазер ёрдамида Ердаги маҳсулус аппаратға узатиши синоддан ўтказилди.

Келажакда Ер орбитасида бундай маҳсулус сунъий йўлдошлар флоти яратилиши ва улар ёрдамида сайёрамиз аҳолисини узлуксиз энергия билан таъминлаш мўлжалланмоқда. Айниқса, космик энергия электр тармоқлари етиб бормаган манзиллар ёки табиий офатлар оқибатида энергиясиз қолган ҳудудлар учун жуда асқотди.

«Дейли мейл» газетаси хабар беришича, британиялик олимлар яратган бу янгиликни Халқаро олимлар консорциуми илгари сураётган кинотда космик қуёш станцияси қуриш лойиҳасининг бир қисми дейиш мумкин. Агар бу улкан лойиҳа тўлиқ амалға жорий этилса, иссиқлик, электр, станциялари, гидроэлектр станциялари, атом электр станциялари ва қуёш батареяларига ҳолат қолмайди.

Зўриққан асаблар

мутолаадан сўнг осийиш топади

Бугунги ёшларнинг аксарияти китоб ўқимаётгани, китоб ўқиш эҳтиёжи интернет «титкилаш» ҳисобига қондирилаётгани ҳусусида кўп гапирилмоқда. Балки, шунинг учун ҳам айрим ёшларимиз жижжак бўлиб қолаётгандир, деган савол руҳшуносларни ўйлантириб қўймоқда.



Дарҳақиқат, китоб ўқиш, тез-тез мутолаа қилиб туриш таранглашган асабларни тинчлантириши бугунги кун тадқиқотларида яна бир қарра тасдиқланди.

Британия олимлари бу борада тадқиқот олиб бориб, шунини аниқладики, айнан 6-10 дақиқа давомиде китоб мутолаа қилиш таранглашган асабларни тинчлантириш ва томир уришини меъриға тушириш учун энг мақбул усул экан.

Киши ўзига ёққан мусиқани тинглаши эса зўриққан асабларға осийиштакли бахш этиш борасида иккинчи ўринда турувчи восита бўлса, чой ёки қаҳва ичиш ҳам бу борада кишиға яхшигина ёрдам бера оларкан. Яъни, кузатув-тадқиқот натижаларига кўра, 54 фоиз ҳолатда айнан шу усул самара бергани қайд этилган. Ҳиббон ёки майдонларни сайр қилиш ҳам 42 фоиз ҳолатда асабларға ором бағишлашини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.



■ ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН МАРКАЗИЙ БАНК ТОМОНИДАН ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИНING 10 ФОИЗДАН 9 ФОИЗГА ТУШИРИЛИШИ ШУ ЙИЛНИING БИРИНЧИ ЯРМИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИING ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИГА КРЕДИТ АЖРАТИШ ҲАЖМИНИ 30,5 ФОИЗ КўПАЙТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ ВА УМУМИЙ ҲАЖМНИING 79,7 ФОИЗИНИ ИНВЕСТИЦИЯ МАҚСАДЛАРИ УЧУН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛДИ.



■ ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН ЯГОНА ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ПОРТАЛИДА 27,4 МИНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ, 170,8 МИНГ БОЖХОНА ЮК ДЕКЛАРАЦИЯСИ (УМУМИЙ КЎРСАТКИЧНИING 99,9 ФОИЗИ) ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА РАСМИЙЛАШТИРИЛДИ.

